



Жўшликлар энди жўшиб яшайди

Кўшрабт тумани Жўш қишлоғида «Обод қишлоқ» дастури доирасида бунёд этилган ўнлаб иншоотлар фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирларда Президент маслаҳатчиси Т.Худайбергенов, вилоят ҳокими Э.Турдимов ҳамда давлат ва жамоат арбоблари, республикаимизнинг турли ҳудудларидан келган бахшилар, таниқли санъаткорлар, вилоят жамоатчилиги вакиллари иштирок этди.

Президент маслаҳатчиси Т.Худайбергенов, вилоят ҳокими Э.Турдимов ҳамда давлат ва жамоат арбоблари, республикаимизнинг турли ҳудудларидан келган бахшилар, таниқли санъаткорлар, вилоят жамоатчилиги вакиллари иштирок этди.

Кийимлар, рўзгор буюмлари ва бошқа қадимий ашёлар 40 йилдан зиёдроқ вақт давомида ўша эски уй музейида сақланди. Бугун эса улар замонавий музейдан жой олиб тургани биз – Эргаш Жуманбулбул ўғлининг неварачеваралари қалбига ўзгача гурур бағишлади.

Бахши боғи атрофида вилоят ва туман маҳаллий бюджети маблағлари ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан бунёд этилган эҳтиёжманд, тураржойга муҳтож оилалар учун 70 дан ортиқ янги уй-жойлар, шинам иншоотлар Қўрғон кўрғига кўрк қўшиб турибди. Бир йил аввал кечалари зимистон бўлган кўчалар чарогон бўлиши учун замонавий чироқлар ўрнатилган.

Жўш отада жўшқин ҳаёт

Минг йиллик тарихга эга бўлган бу йирик қишлоқ маркази Жўш ота маҳалласида ҳам ўнга яқин объект фойдаланишга топширилди.

Маҳалла фуқаролар йиғини, туман ички ишлар бўлимига қарашли 14-сонли ички ишлар бўлими, 20-сонли мактабгача таълим ташкилоти ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси Жўш филиалининг янги замонавий бинолари халққа хизмат кўрсатишни бошлади.

3-саҳифа >>>

Исломунонос олимлар Самарқандда

Бугун Самарқанд шаҳрида «Имом Абу Мансур Мотуридидий ва мотуридидий таълимоти: ўтмиш ва бугун» мавзусида халқаро конференция ўз ишини бошлайди.

Конференциядан қўзланган мақсад Имом Мотуридидий илмий меросини янада чуқур ўрганиш, - дейди Дин ишлари бўйича қўмита бўлими бошлиғи Муҳиддин Ҳакимов. - Шунингдек, мотуридидий таълимотининг адашган, бугунги оқимларга қарши курашдаги аҳамиятини очиб бериш ҳамда Ўзбекистоннинг буюк алломалар юрти сифатида ислом цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссаси ва мавқеини жаҳон миқёсида тарғиб этишдир.

«Ҳидоятга бошловчи имом» ва яна қатор улғу сифатлар билан тарихга кирган, жаҳолатга қарши маърифат воситасида курашган Абу Мансур Мотуридидийнинг ибратли ҳаёти, бой илмий меросини ўрганишга бағишланган халқаро анжуман ислом динининг асл қадриятларини асраб-авайлаш ҳамда муулмон давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Кеча Мисрнинг ал-Азхар мажмуаси раҳбари Шайх Аҳмад Таййиб бошчилигидаги делегация, шунингдек, Босния ва Герцеговина, Германия, Иордания, Индонезия, Малайзия, Покистон, Россия, Туркия, Украина, Швейцария, Қирғизистон ва Қозғистон каби мамлакатлардан 70 га яқин уламолар, исломшунос олимлар, нуфузли таълим муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот марказлари раҳбарлари тадбирда иштирок этиш учун Самарқандга етиб келди.

Халқаро конференция бугун ўз ишини бошлайди. Янги йиғилиш ва «Мотуридидий таълимоти ва ҳозирги замон» ҳамда «Замонавий давлат шароитида диний қадриятларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш» шўъбасида маърузалар тиншлангди.

Ўз мухбиримиз.

Уйлар қурилмоқда

мактаб ва боғча ҳам бўлади

2 март кун Самарқанд шаҳридаги Қорасув массивида 18 та кўп қаватли замонавий уйлар эгаларига топширилди. Ушбу уйлардан вилоят ҳокимлиги томонидан оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, кам таъминланган, ногиронлиги бўлган ва боқувчисини йўқотган, уй-жойга ўта муҳтож оилаларга яшаш ҳуқуқи билан тасарруф этиш ҳуқуқисиз, беғараз тарзда 40 та хонадон ҳамда вилоят ташкилотларида фаолият олиб бораётган уй-жойга муҳтож ходимларга 60 та хонадон ажратилди.

- Ўн беш йилдан буён уйсизман, - дейди Насиба Улуғмуродова. - Қийналганимдан болаларимни Меҳрибонлик уйига топширишга мажбур бўлгандим. Мана, бугун вилоят ҳокимлиги бизга икки хонали уй берди. Миннатдорлигимни сўз билан ифодалаб бера олмаيمان.

Туркия технологияси асосида

барпо этилган замонавий уйлар 9 балли зилзилага бардош бера олади. Ҳар бир хонадонда замонавий иситиш мосламаси, газ плитаси, ошхона мебли бўлиб, уйлар яшаш учун тайёр ҳолда аҳолига топширилмоқда.

- Бу шаҳарчада бунёдкорлик ишлари энди бошланяпти, - деди вилоят ҳокими Э. Турдимов. - Шу пайтга қадар шаҳарчада 1230 хонадон ўз эгаларига берилган бўлса, бугун яна 1000 та хонадон фойдаланишга топширилмоқда. Ҳадемай, бу ерда 24 қаватли уйлар қурилиши ҳам режалаштирилган. Бундан ташқари, 1670 ўринли мактаб, поликлиника, болалар боғчаси, дам олиш жой-



Вилоятнинг бир кун

лари, магазин ва павильонлар қурилмоқда.

Кўп қаватли уйлар атрофида 1800 та автомашиналарга мўлжалланган тўхташ жойлари ташкил этилди. Келгусида ер остида 500 ўринли автомашиналар тўхташ жойлари қурилади.

Хуршида ЭРНАЗАРОВА.

Оқдарёда жинси тайёрланади

Оқдарё туманида «Afrasiab jeans textile» корхонаси иш фаолиятини бошлади. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда вилоят ҳокими Э.Турдимов ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.



Жинси матолари ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган маъруз корхонани қуриб, ишга тушириш учун 40 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ сарфланди.

Бир йилда 22 миллион пагонометр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга корхонада айни пайтда 1100 нафар маҳаллий аҳоли муқим иш билан таъминланган.



кимёгарликларнинг сеvimли гўшасига айланди

Ҳа, неча йиллар фойдаланилмаган, ташландиқ ҳолга келган бу ҳудуд гавжум, мўъжазгина гўшага айланди. Эътибордан четда қолган маданият маркази ва унинг ён атрофига бирор киши боришга ботина олмади. Бугун замон талабларига ҳамоханг тарзда таъмирланган маданият саройи, ёшлар боғи, футбол майдони қўрғон кўзиде қувонтиради. Санъат саройининг очилиш маросими барчаннинг қалбига баҳорий илиқлик олиб кирди.

- Бу бино 2014-2018 йиллар давомида фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиб қолган ва фаолият кўрсатмаган, - деди вилоят ҳокими Э.Турдимов. - Президентимиз томонидан маданият ва санъатга берилаётган эътибор туфайли 2019 йил январь ойида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 15,4 миллиард сўм маблағ ажратилиб, қайта таъмирлаш ишлари олиб борилди. Марказга аҳоли таклифларидан келиб чиқиб, Нурафшон дея ном берилди. Бугун бу марказ Кимёгарлар

шаҳарчаси аҳолисининг сеvimли масканига, ёшларимизнинг бўш вақтини мазмунли ўтказувчи, санъатга, маданиятга ошно қилувчи марказга айланди.

Маъруз маданият марказида кутубхона ва 10 га яқин тўғарақлар, ёшлар боғи ва кафе, замонавий футбол майдони фаолият юритмоқда.

350 томошабинга мўлжалланган концерт зали замон талаблари даражасида таъмирланиб, жиҳозланди. Санъат саройида ЯМАНА фирмасининг ускуналари билан жиҳозланган замонавий овоз ёзиш студияси ташкил қилинди. Марказ ҳовлисида мусикали фавора ўрнатилди.

Шунингдек, Хазора маҳалла фуқаролар йиғинида 200 қатновга мўлжалланган, 9-оилавий поликлиниканинг замонавий биноси ҳам фойдаланишга топширилди.

Насиба ЖОНТЎРАЕВА,
Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).

ДЕҲҚОНОБОД

қишлоқми, шаҳарчами?

- «Кейинги йилларда юртимизда олиб борилаётган ўзгаришлар туфайли чекка ҳудудлардаги қишлоқ ва овуллар обод бўлмоқда. Бу қишлоқларда аҳоли учун ижтимоий соҳа объектлари қуриляпти. Газ, электр, тоза ичимлик сувига бўлган талаб қондириляпти. Йигирма-ўттиз йилдан бери таъмир кўрмаган йўллар, кўчалар асфальт қилиняпти. Аммо бу бизнинг «шаҳарча»мизда умуман акс этмаяпти. Бундан етти йил олдин қишлоғимизнинг шаҳарча мақомини олгани одамларнинг ҳам ёдидан кўтарилиб кетган. Фақат бунини солиқчилар асло эъдан чиқаришмайди: ер солиғини шаҳарча типидеги миқдор бўйича тўлаб келямиз. Қишлоғимизга келиб, шароитларни ўрганиб, бу ерда ёки шаҳарча талабига мос инфратузилма яратилишига ёки ер солиғи тўловини қишлоқ типидеги миқдорга ўтказилишига қўмак берадиган ташкилот борми?»

Бу Пайариқ туманидаги Деҳқонобод маҳалласи Деҳқонобод қишлоғида яшовчи бир гуруҳ фуқароларнинг тахририятимизга йўллаган шикоят хатидан кўчирма. Ҳўш, ростдан ҳам Деҳқонободда шундай ҳолат ҳукмронми ёки бу қишлоқ шаҳарча сифатида обод масканга айлантирилганми? Бу ерда яратилган инфратузилма шаҳарча талабларига нечоғли жавоб беради? Аҳоли қандай шароитда турмуш кечирмоқда? Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида Деҳқонободга бордик.



ШАҲАРЧА ҲАҚИДА ҚОНУН НИМА ДЕЙДИ?

Келинг, дастлаб ушбу қишлоқнинг қандай қилиб шаҳарча типига айлантирилгани ҳақидаги ҳужжатларни кўздан кечирайлик.

Маълум бўлишича, 1996 йил 30 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддасида «Шаҳарчалар туркумига - саноят корхоналари, қурилишлар, темир йўл станциялари ва бошқа муқим объектлар яқинида жойлашган ҳамда қоида тарихида камида икки минг аҳолиси бўлган аҳоли пунктлари киритилиши мумкин», дейилган.

2-саҳифа >>>

ДАВР НАФАСИ

Самарканд вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

ВИЛОЯТ ҲУДУДИДАГИ МАКТАБ ВА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЖОЙЛАШГАН КЎЧА ВА ИЧКИ ЙЎЛЛАРДА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ҲАРАКАТ ТЕЗЛИГИНИ ЧЕКЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги "Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 370-сонли қарорига мувофиқ, вилоят ҳудудидаги мактаб ва мактабгача таълим муассасалари олдида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида ҚАРОР ҚИЛАМАН:

- 1. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукuroв), вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги, вилоят халқ таълими ва мактабгача таълим бошқармаларининг вилоятда йўл ҳаракати иштирокчиларининг хавфсиз ҳаракатланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари олдида транспорт воситаларининг ҳаракат тезлигини чеклаш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.
2. 1 ва 2-иловаларга мувофиқ мактаб ва мактабгача таълим муассасалари жойлашган кўча ва ички йўлларда транспорт воситаларининг ҳаракатланиш тезлиги соатига 50 километргача чеклансин.
3. Вилоят ИИБ ЙХХБ (А.Носиров)га жорий йил-

нинг якунига қадар вилоят ҳудудидаги мактаб ва мактабгача таълим муассасалари жойлашган кўчалар ҳамда ички ҳўжалик йўлларига автотранспорт воситаларининг ҳаракатини чекловчи йўл белгиларини ўрнатиш ҳамда тизимли назорат ўрнатиш топширилсин.

4. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари

Вилоят ҳокими

2020 йил 29 февраль

№30-Қ

(Қарор матни ва иловалари билан вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайти - www.samarkand.uz ҳамда газетамизнинг zamews.uz сайти орқали танишишингиз мумкин).

– матбуот котиби (М.Мирзаев), вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази" давлат унитар корхонаси (А.Анваров) мазкур қарорни "Зарафшон" ва "Самаркандский вестник" газеталарида эълон қилинишини ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилишини таъминласин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кўчага қиради.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукuroв зиммасига юклатилсин.

Э.ТУРДИМОВ



Саноат ривожига ҳисса қўшаётганлар рағбатлантирилди

Аввал хабар қилганимиздек, Самарканд шаҳрида вилоят ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси бўлиб ўтди.

Уч кун давом этган ярмаркада давлат ва саноат корхоналари ҳамда тадбиркорлар ўртасида 21,7 миллиард сўмлик 350 дан ортиқ шартнома имзоланди.

Ярмарка якунида тадбиркорлар еттига номинация бўйича рағбатлантирилди. Жумладан, "Саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш борасида энг фаол корхона-2019" номинацияси бўйича Самарканд туманидаги "Стеклопластик" масъулияти чекланган жамияти биринчи ўринни эгаллади.

Шунингдек, "Маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасида энг фаол корхона-2019" йўналишида Самарканд туманидаги "Inter Kristal savdo servis" корхонаси, "Саноат маҳсулотлари экспортида энг фаол корхона-2019" йўналишида Самарканд шаҳридаги "Sam Antep gilam" кўшма корхонаси, "Самарканд вилояти ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси - 2020" даги энг фаол корхона" йўналишида Самарканд шаҳридаги "Gold brand mebel" масъулияти чекланган жамияти, "Самарканд вилояти ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси - 2020" даги энг фаол ҳудуд" номинациясида Самарканд тумани, "Самарканд вилояти ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси - 2020" даги энг жозибадор савдо белгиси (бренди) номинациясида Самарканд шаҳридаги "The best" (Net Product Lux) корхонаси, "Сифатни бошқариш ISO 9001 халқаро стандарти жорий этган энг илгор корхона - 2019" йўналишида Самарканд шаҳридаги "Samarkand Apparel" хорижий корхонаси биринчи ўринни қўлга киритди.

Тадбирда 2019 йил маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга оширишда фаол иштирок этган раҳбар ва мутахассислар вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Бахтиёр МУСТАНОВ.

БУ - ФАКТ

2019 йилда вилоятга 7 963 киши кўчиб келган, 13 минг 595 киши кўчиб кетган. Миграция сальдоси 2018 йилда 3 722 киши бўлган бўлса, 2019 йилда 5 632 кишини ташкил этди.

ВИЛОЯТ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ушбу қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари қабул қилиниб, республикамиз бўйича миндан ортиқ қишлоқ шаҳарча туркумига киритилган. Бу тегишли туман ҳокимларининг илтимосномасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва туманидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Худди шу тартибда 2013 йилда Пайарик туманидаги Деҳқонобод, Ҳўжа Исмоил, Дўстларобод, Халқобод,

Ж.Камолов тақдим этган маҳалла паспортини кўздан кечиришимиз: Деҳқонобод қишлоқ врачлик пункти йўқ, ҚВП "шаҳарча"да эмас, тахминан беш-олти километр олисдаги қўшни Адиллов қишлоғида жойлашган. Битта мактаб бор, ҳатто ботча йўқ. Саноат корхоналари тугул кўзга кўринарли тадбиркорлик объектлари, савдо шохобчаларини учратмайсиз бу ерда. Шунинг учун 100 дан зиёд киши ишлаш учун хорижга кетган.

БИТТА МАҲАЛЛА, ИККИ ХИЛ СОЛИҚ ТЎЛОВИ

Х а, бир-бирига яқин яшаётган ҳикмат хонадон, масалан, бири Деҳқонобод «шаҳарча»си ҳудудида, бири Эшонхўжаев қишлоғида истикомат қилувчи томорқа ер эгалари икки хил ер солиғи тўлашга мажбур. Чунки Солиқ кодексида шаҳарча мақомидаги ҳудуд аҳолиси ер солиғини қишлоқликлардан кўра салкам уч баробар кўпроқ тўлаши эътибор қўйилган.

Алихон Исаев. — Аммо бу қишлоқ Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра шаҳарча типига айлантирилган. Солиқ қонунчилигида эса ер солиғини ундиришда шаҳар, шаҳарча ва қишлоқ типидagi ер майдонлари алоҳида-алоҳида ҳисоб-китоб қилиниши белгиланган. Биз бу талабдан четга чиқолмаймиз. Рости, бундай ҳолат туманимиздаги биргина Деҳқонобод қишлоғи билан боғлиқ эмас. Шаҳарча мақоми берилган айрим қишлоқларда ҳам бу муаммо бор. Афсуски, бу туман даражасида ҳал этиладиган масала эмас. Шунинг учун бу ҳолатга барҳам берилишини сўраб, юқори идораларга мурожаат қилганмиз. Бироқ унинг ечимида бир қарорга келинмапти.

“Ё ШАРОИТЛАР ЯХШИЛАНСИН, Ё СОЛИҚ МИҚДОРИ ҚАМАЙСИН!”

У қиб, англаганингиздек, бу муаммонинг келиб чиқишида

ДЕҲҚОНОБОД қишлоқми, шаҳарчами?

Томойрот, Қорасув, Гулистон, Тўпалос, Оққўрғон қишлоқлари шаҳар посёлкалари тоифасига киритилган.

МАҚОМИ - ШАҲАРЧА, ШАРОИТИ - ҚИШЛОҚЧА

Туман ҳокимлиги вакиллари билан Деҳқонободга борганимизда бизни С.Эргашев, Қ.Қудратов, М.Жаниев, Х.Боймонов каби маҳалла фаоллари қарши олди. Қишлоғимизга шаҳарча мақоми берилганига етти йил бўлди, - дейди Сайдулла Эргашев куйиниб. - Шаҳарча бўлса шаҳарча-да, нима бўлибди, дерсиз. Чунки шаҳарча деганимизда кўз олдингизга одамлар учун барча шарт-шароит муҳайё, гўзал бир гўша келади. Шаҳарча бўлгандан кейин, шунга яраша инфратузилма, маданият бўлади. Аммо қишлоғимизда шаҳарча мақомига мос шароит йўқ. Қишлоқни айлансангиз, бунга ўзингиз ҳам гувоҳ бўласиз.

Деҳқонобод маҳалласи раиси вазифасини бажарувчи Жасур Камоловнинг айтишича, ушбу маҳалла иккита қишлоқдан ташкил топган. Булар - Деҳқонобод ва Эшонхўжаев қишлоғи. Уларда 3 минг 115 нафар аҳоли истикомат қилади. Аҳоли зангори оловдан узилганига уч-тўрт йил бўлган, йиллар давомида сув қўшни қишлоқлардан ташиб ичилган, фақат 2019 йилда битта артезиан кудуги қазилган ва ҳозирда қишлоқнинг ярами ичимлик суви билан таъминланган. Қишлоқ йўллари абгор аҳволда: битта асосий йўлни тошли демаса, ички йўллар нотекис. Шунинг учун ёзда чанг, қишда лой бўладики, ёш-у қари базўр юради. Қабристон қўшни Янгиарик қишлоғида жойлашган. У ерга бориш учун зовурдан ўтилади. Унинг устида қурилган эски кўприк нураб турибди.

Шаҳарча мақомига эга қишлоқни айланиб, бу гапларнинг ҳақиқат эканига ўзимиз ҳам гувоҳ бўлдик.

- Бир хонадонда уч оила яшаймиз, - дейди деҳқонободлик Гулом Алибеков. - Томорқа еримиз майдони 48,5 сотих. 2019 йилда ҳар сотих ер майдони учун 20 минг 40 сўмдан солиқ тўлади - жами 900 минг сўмдан зиёд бўлди. Ёмони, томорқадан самарали фойдалана олмаймиз. Чунки қишлоғимиз Пой аригининг адоғида жойлашган, апрелдан сентябргача сув бўлмайдиган ҳисоб. Тагин ер солиғини шаҳар типидagi миқдорда тўлашимиз алам қилади.

Ўрганишларимизга кўра, деҳқонободлик 30 сотих томорқа ер майдонида эга Ҳасан Муқимов ҳам ҳар сотих ер учун шундай миқдорда солиқ тўлаган. Сўнгра маҳалланинг иккинчи қишлоғи - Эшонхўжаевликларнинг ер солиғи тўловлари билан қизиқдик. Намоз Бегимовда 30,2 сотих ер майдони бор экан. У киши 1 сотих ер майдони учун 7 минг 912 сўмдан жами 239 минг сўмдан зиёдроқ тўлаган. Собир Ҳўжановда ҳам шу каби тўлов ҳисобланган: 27 сотих томорқа ер майдони бор ва жами солиқ суммаси 213 минг 745 сўм.

Деҳқонободликларнинг эътироси ўринли. Аҳоли томорқаларини кузатиб, улар билан суҳбатлашиб, баҳорнинг ўртасидан кўзга ариқча сув бўлмаслиги, шунга билиб, сувсизликка чидамли экин ва асосан мевали дарахт кўчатлари экишини англадик. Одамлар андиша қилиб айтмади, лекин қўшни маҳаллалар ва ҳатто Эшонхўжаев қишлоғида ариқча сув келаркан. Шундай бўлган, ер солиғини тўлашда одамларнинг елкаси тиришади-да.

МУТАХАССИС ЖАВОБИ ҚАНДАЙ?

Деҳқонободликлар ер солиғидан кўп ундирилаётганидан ранжиб, инспекцияга бир неча бор мурожаат қилишган, - дейди туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи ўринбосари

айрим сабаблар бор. Биринчидан, қонунчиликка кўра шаҳарча мақоми туман, шаҳар марказидан 12 километргача олисда жойлашган бўлиши керак. Аммо Деҳқонобод туман марказидан 16 километр узоқликда жойлашган. Шунингдек, бу қишлоқча бўлган ораликда Бешқўрғон, Гулистон, Истиқлол маҳаллалари бўлиб, улар таркибида ўнга яқин қишлоқ бор. Шу маънода Деҳқонобод қишлоғининг шаҳарча таркибига киритилгани савол остида турибди. Иккинчидан, олис қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, аҳоли турмуши учун зарур инфратузилмани яратиш, одамлар фаровонлигини таъминлаш мақсадида қишлоқча шаҳарча мақоми берилган ҳам дейлик. Лекин Деҳқонобод "Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида"ги қонуннинг 12-моддасида қўзда тутилганидек саноат корхоналари, қурилишлар, темир йўл станциялари ва бошқа муҳим объектлар яқинида жойлашмаган-да. Ўтган етти йил давомида ҳам на бу ерга саноат корхонаси жойлаштирилган, на қурилиш бўлган, на инфратузилма яратилган. Аниқроқ айтишда бўлсак, ушбу масалада қабул қилинган қарор ижросини солиқчиларга бажарган, холос...

Хуллас, бугун деҳқонободликлар қишлоғининг обод, кўркам кўринишга келишини, шаҳарчага мос шароитлар яратилишини ёки ер солиғи қишлоқ типига асосида бўлишини истамокчи. Масъул идоралар уларнинг шу истайдиган бирини адо этиш ҳақида бош қотирса яхши бўларди.

Акрам ҲАЙДАРОВ, «Зарафшон»нинг махсус мухбири.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Алишер Ҳамроев Тойлоқ туманидаги Сочак қишлоғида 20 минг нафарга яқин аҳоли истикомат қиладиган Сочак, Истиқлол, Гулобод, Хончорбоғ ва Беклар маҳалласи фаоллари билан очиқ мулоқотга киришди. Уларнинг мурожаатларини, таклифларини эшитди.

Депутатга саволлар кўп

Истиқлол маҳалла фуқаролар йиғини раиси Исрофил Азимов маҳалла учун бино қуришда ёрдам кўрсатиш, Облоқул Жабборов ўзи яшаётган Сочак маҳалласи ички йўлларини таъмирлаш масаласида депутатдан ёрдам сўради.

Фуқаролар Муҳаммад Ботиров, Нарзикул Бердиқулов суюлтирилган газ баллонлари ўз вақтида аҳолига етказиб берилмаётганидан, Ҳайдар Жўраев қишлоқ врачлик пунктида кўрсатилаётган тиббий хизмат си-

фати пастлигидан, зарур жиҳозлар билан таъминланмаганидан шикоят қилди.

Шунингдек, фуқаролар Беклар, Хончорбоғ, Гулобод маҳаллаларидаги қишлоқ врачлик пунктлари ҳолати яхши эмаслигини билдириб, моддий-техник базасини яхшилаш, кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш зарурлигини таъкидлашди.

Депутат кўтарилган барча масалалар ва билдирилган таклифлар юзасидан туман ҳокими билан учрашишни, мавжуд муаммолар туманда ечим топмаса тегишли тартибда вилоят ҳокимлигига, мутасадди вазирликларга мурожаат қилишини маълум қилди.

ЎЗМТД Вилоят кенгаши ахборот хизмати.

Каттақўрғонликларга нима керак?

Бугун вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил қилинган навбатдаги сайёр қабул Каттақўрғон туманида бўлиб ўтди.

Унда туман ҳокими А.Баҳромов ҳамда вилоят ҳокимининг маслаҳатчиси Н.Ибрагимов 200 дан зиёд жисмоний ва юридик шахсларни, уларнинг вакилларини қабул қилди.

Йўсинда ёрдам кўрсатилиши билдирилди. Шунингдек, бирор бир сайёр қабул йўқки, электр энергияси таъминотидаги узилишлар, тизимдаги нуқсонлар ва ички йўллар масаласи кўтарилмаса.

Қабулда мурожаат қилганларнинг муддаоларини тингларкансиз, муаммо йиллар давомида тўпланиб қолганлигини, айрим масалалар бошқарувдаги хатоликлар сабабли юзага чиқётганлигини англаш мумкин. Мисол учун, ҳар сайёр қабулда ўнлаб фуқаролар ўрта махсус тиббий маълумотга эга эканлиги ва мутахассислиги бўйича ишга жойлашишда ёрдам сўрайди. Табиийки, уларга талаблари айнан қондиришининг иложи йўқлиги ва бошқа

Бундан ташқари, 2019 йилнинг 1 декабридан буюн ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, 248 ҳолатда сувли майдонларни эгаллаб олиш ҳақида ноқонуний қурилмалар аниқланган. Мол аччиғи - жон аччиғи. Аммо амалдаги тартибга кўра, муайян фуқаро ёки юридик шахс бирор қурилиш ишларини амалга оширишдан аввал унинг лойиҳасини туман ҳокимлиги билан келишиши шарт. Табиий савол туғилади, қургунча ҳокимлик (ёки давлат) борлигини унутиб қўйган фуқаро, энди ҳокимликка дийдиё қилиши тўғримики? Қолаверса, энди кеч. Сайёр қабул ўтказилаётгани, одамларни мурожаат қилиш ҳуқуқи таъминланаётгани яхши. Аммо барча туманларда ташкил қилинган бундай тадбирларга янгича руҳ киритиш, аввалги

Сайёр қабул

қабуллар асосида янгича иш тутумини жорий қилиш керак. Хусусан, туманда бўш иш ўринлари ярмаркасини ташкил қилиш, қолаверса, банклар ўз хизматларининг тарғиботини ташкил қилиши керак. Негаки, бугун аксарият фуқаролар ҳамон банкдан молиявий ёрдам олиш имкониятлари ҳақида етарли тасаввурга эга эмас. Бундан ташқари, сайёр қабулларда саноқли мурожаатларни ҳисобга олмаса, тадбиркорлик қилмоқчиман, қаерга мурожаат қилай, деган фуқарони учратиш қийин.

Энг муҳими, қабулга келган мурожаатчини рўйхатга олиш асосида, тегишли ташкилотга йўналтириш керак. Токи, мутасаддилар ўз хулосалари, таклифларини беришсин. Агар аризачи шунда ҳам қониқмаса, вилоят ҳокимига мурожаат қилинсин. Ёқубжон ГАДОВ.

ТАОМОН ОБОДОНЧИЛИК

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

- Етарли шароитларга эга бўлмаган, бир қаватли, кўрimsиз шифо масканимиз ўрнида янги, икки қаватли бино қурилди, - дейди туман тиббиёт бирлашмасининг Жўш филиали катта ҳамшираси Клара Бобоназарова. - 25 ўринли шифохондада 4 та бўлим ишлаб турибди. Жўш ота ва Юқори Жўш маҳаллаларининг 7 минг нафарга яқин аҳолисига хизмат кўрсатамиш.

Худуддаги узоқ йиллар эътиборсиз қолган, XI асрга тегишли Жўш ота масжиди ҳам "Обод қишлоқ" дастури доирасида замонавий муқаддас мажмуага айлантирилди.

Масжиднинг ёнгинасидаги қадимий деҳқон бозори ҳам капитал таъмирланди. 1200 савдо растасига эга ушбу мажмуада олис қишлоқ аҳолисига замонавий савдо


хизматлари кўрсатиш учун шарт-шароит яратилди.

ЧИММОСЛИКЛАР ЧИН ДИЛИДАН ШОД

Тадбирлар замонавий қиёфа касб этган «Чиммос» маҳалласидаги янги иншоотларни фойдаланишга топшириш билан давом этди. Зарур тиббий ускуналар билан таъминланган Чиммос қишлоқ врачлик пункти шу ҳудуддаги беш минг нафар аҳолига хизмат қила бошлади. Шунингдек, бу ерда тез тиббий ёрдам шохобчаси ҳам ташкил этилган.

Инвестиция дастури асосида 340 ўринга мўлжалланган 41-умумий ўрта таълим мактаби реконструкция қилиниб, замонавий кўринишга келтирилганидан чиммосликлар чин дилдан хурсанд. Ҳозирги кунда мактабда 312

Жўшликлар энди жўшиб яшайди



нафар ўқувчи таълим оляпти. Эски бинони таъмирлаш ва қўшимча бинони қуриш ишларига 6 миллиард 300 миллион сўм сарфланган.

Тадбирларда иштирок этган сенаторлар ва профессорлар томонидан мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари учун Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус мазмун-моҳиятига бағишланган маҳорат дарслари ташкил этилди.

Шу ҳудудда жўшлик хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган, замонавий тикувчилик дастгоҳлари билан таъминланган "Samarqand baraka chevarlat" масъулияти чекланган жамияти ҳам фаолият бошлади. 100 нафарга яқин ишчи меҳнат қилаётган корхонада махсус иш кийимлари тайёрланмоқда.

БАҲОР ЖЎшлиКЛАР УЧУН ҚУВОНЧ ОЛИБ КЕЛДИ

Муҳтасар айтганда, Жўш қишлоғида ўтган бир йил давомида 9 маҳалла тасарруфидаги 48 қишлоқда мавжуд турар ва нотураржой бинолари тартибга келтирилди, коммуникация тармоқлари, маиший хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳа объектлари таъмирланди, йўллар кенгайтирилди.

Худуддаги 20 га яқин иншоотнинг тантанали очилиш маросимидан сўнг жўшликлар учун қишлоқ марказидаги амфитеатрда концерт намойиш этилди. Унда пойтахт ва вилоятимиздан келган танили хонандалар, қизиқчилар, актёрлар чиқишлари билан иштирокчиларга кўтаринки кайфият бағишланди.

Тўлқин СИДДИҚОВ, Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта - сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбол / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: (0366) 233-91-56

Самарқанд вилоятида автотранспорт соҳасида қуйидаги шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарларо - вилоят ички йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун 2020 йил 3 апрель куни соат 10:00 да

ОЧИҚ ТЕНДЕР ТАНЛОВЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

Table with 4 columns listing bus routes and tender information. Columns include route names (e.g., 'ШАҲАР АВТОБУС Йўналишлари'), route numbers, and tender details.

ЙИГИЛИШДА ҚАТНАШИНГ!

Каттақўрғон туманидаги «Пайшанба деҳқон бозори» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши 2020 йил 4 апрель куни соат 10:00 да жамият маъмурий биносида бўлиб ўтади.

Йиғилишга барча таъсисчиларни тақлиф этилди.

«ПАЙШАНБА ДЕҲҚОН БОЗОРИ» МЧЖ МАЪМУРИЯТИ.

Каттақўрғон туманидаги «Тасмачи МАТ» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши 2020 йил 6 апрель куни соат 10:00 да жамият маъмурий биносида бўлиб ўтади.

Йиғилишга барча таъсисчиларни тақлиф этилди.

Манзил: Каттақўрғон тумани Тасмачи қишлоғи.

«Тасмачи МАТ» МЧЖ МАЪМУРИЯТИ.

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2018 йил 3 июлда 619876 реестр рақами билан рўйхатга олинган «BLESK LOSK» оилавий корхонаси (қисқартирилган номи: «BLESK LOSK») корхона ягона таъсисчисининг 2020 йил 2 мартдаги 1-сонли қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилдиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Жойи Чўқур маҳалласи.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 305631801.

Нуробод туманидаги «SARIKUL TOG' KONI» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 303849009) ўз устав фондидан 78 885 329 (етмиш саккиз миллион сак-

киз юз саксон беш минг уч юз йигирма тўққиз) сўмдан 7 000 000 (етти миллион) сўмга камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилдиган барча давловлар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Нуробод тумани, Сарикул қишлоғи.

Самарқанд шаҳар «Ягона дарча» марказидан 2017 йил 15 февралда 15273 реестр рақами билан рўйхатга олинган «SHIRIN TAOM FAYZ SAVDO» масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: «SHIRIN TAOM FAYZ SAVDO» МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2020 йил 2 мартдаги 1-сонли қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилдиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Ҳабиб Абдуллаев кўчаси, 63-«А» уй.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 304652254.

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2019 йил 6 февралда 680806 реестр рақами билан рўйхатга олинган «SHAROFAT SEA FOOD» масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: «SHAROFAT SEA FOOD» МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2020 йил 2 мартдаги 1-сонли қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилдиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Термиз кўчаси, 159-уй.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 306098482.

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2020 йил 31 январда 238087 реестр рақами билан рўйхатга олинган «SAMARQAND IPLIGI» масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: «SAMARQAND IPLIGI» МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2020 йил 2 мартдаги 1-сонли қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилдиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Нарпай кўчаси, 170-уй.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 302500894.

Жомбой туман давлат нотариал идорасида марҳум Ташматов Абдираим Ганиевичга (2019 йил 5 июнда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жомбой туман давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиш.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси.

Пайариқ туман 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Жалилов Хамидга (2018 йил 3 мартда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Пайариқ туман 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиш.

Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси Истиқлол кўчаси, 73-уй.

Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Аслидинова Сарварга (2007 йил 14 августда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиш.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жоний кўчаси, 64-уй.

Тойлоқ туман 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Қулдашев Раббим Ашуровичга (2013 йил 11 августда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Тойлоқ туман 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиш.

Манзил: Тойлоқ тумани Тойлоқ кўрғони.

Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Юсупов Ашурга (1979 йил 15 январда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиш.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жоний кўчаси, 64-уй.

Нуробод туманидаги «ВАНРОМ» фермер хўжалигининг (СТИР: 200782028) думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасидан «ВАОДИР-А» масъулияти чекланган жамиятига қарашли Самарқанд шаҳри Чўпон ота маскани «Самарқанд Сиеб савдо» ДУК ҳудудида жойлашган савдо дўкони учун 2018 йил 21 майда берилган 388-04-02, 388-08-04, 388-10-05, 388-12-06, 388-14-07, 388-16-08, 388-18-09, 388-20-10 рақамли кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасидан Ташев Ходжага қарашли Нарпай тумани Иттифок қишлоғида жойлашган автомобилларга ёқилги қуйиш шохоб-

часи учун 2003 йил 23 декабрда берилган 250/326 рақамли кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Дарғом автомобиль ва йўллар қасб-хўна қоллежидан 2018 йилда Ўсаров Азизжон Илс ўғли номига берилган рўйхат рақами 072, Қ № 5104496 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қўшработ туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабидан 2010 йилда Сайфиёв Акмал Хусан ўғли номига берилган О'Р-Ш № 1055842 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 41-умумий ўрта таълим мактабидан 2015 йилда Мухаммадова (ҳозирда Музаффарова) Дилара Товфик қизи номига берилган U № 6901876 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат чет тиллар институти академик лицейидан 2018 йилда Ибрагимова Зарнигор Зиядуллаевна номига берилган рўйхат рақами 771, L № 367373 рақамли дубликат диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги «ХАЛҚОБОД ГАРАНТ» масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 303438930) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд агроинтисодиёт қасб-хўна қоллежидан 2010 йилда Сатторов Нигора Юсуфжон қизи номига берилган рўйхат рақами 1885, К № 2086578 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайариқ туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Сайимов Суннат Эргашович номига берилган О'Р-Ш № 0246098 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 14-ўрта мактабдан 1993 йилда Мурадов Ботир Музаевич номига берилган А № 206928 рақамли тўлиқсиз ўрта таълим тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳар ҳокимининг уй-жойларни ҳисобга олиш, тақсимлаш ва алмаштириш бошқармасидан 1993 йил 20 ноябрда Самарқанд шаҳри Сўғдиёна маскани, 50-уй, 26-хондондани Низомова Рохила Муминовнага тегишли эканлигини тасдиқловчи 4395 рақамли уй-жойнинг давлат дололатномасининг асл нусхаси ва шу уйнинг кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Дарғом туманидаги «MARG'YONA JAVONIR MARJONA BARAKALI SAVDO» оилавий корхонасининг (СТИР: 307037564) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Иштихон туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабидан 2008 йилда Хасанова (ҳозирда Мингяшарова) Ирода Очиловна номига берилган О'Р-Ш № 0815930 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университети тарих факультети жамоаси Ўзбекистон тарихи кафедраси ўқитувчиси Нуриддин Хўжановга онаси Хурматой Хўжанованинг вафоти муносабати билан таъзия ихор эътиди.

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ

«Супер контракт»

таълим сифати ошишига кафолат берадими?

ЮНЕСКО ва Жаҳон банки экспертларининг маълумотларига қараганда, ўтган минг йилликда ҳар бир фуқаро бошига тўғри келган энг юқори ялпи ички маҳсулот аҳолисининг 40-60 фоизи олий маълумотли бўлган мамлакатлар хиссасига тўғри келган.

Кейинги йилларда давлатимиз олий таълимни ривожлантириш ҳамда кенгайтиришга катта аҳамият бериб, янги олий ўқув юртлири, янги ихтисосликларни очиб, уларда таълим оладиган талабалар сонини, давлат грантларини кўпайтириш, қабул тизимини такомиллаштириш, профессор-ўқитувчилар таркибининг маҳорати ва малакасини ошириш йўлидан бормоқда. Бу борада амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовор, дейиш мумкин.

Аммо олий таълим ривожига «оширилган тўлов» — «супер контракт» институтининг жорий этилгани ҳамда бу борадаги қондаларнинг тез-тез ўзгариб туриши мақсад-муддаоларимизга эришишда тўсиқ бўлади, назаримизда.

Шу ўринда бир савол туғилади. Юқоридан келтирилган даражага эришишимиз учун «оширилган тўлов», махсус сиртки таълим, иккинчи мутахассисликларга қабулни кенгайтиришимиз лозимми? Олий таълим тизимидоги ислохотлар йўналишларидан бири шулардан иборатми? Шу тизимда деярли ярим аср ишлаган ўқитувчи сифатида буларни «босиб ўтилган йўл» деб баҳолаб, фикримиз исботи учун «оширилган тўлов» борасидагу мулоҳазаларимизни келтирамиз:

Биринчидан, ОТМлардаги «супер контракт» нима? У қачон ва қандай пайдо бўлган, аслида бир тугатилиб нега яна қайта тикланди? Тўғриси айтилганда, бу бундан 5-6 йиллар илгари киритилган, (молиявий томонини айтмасак) ўзини оқламаган ташаббус. У ўқишга кираётганларнинг таст баллари, ўтиш балига етмай қолганда, «оширилган тўлов» эвазига ўқишга қабул қилинишини аниглади. Содирок қилиб айтсак, етмаган билим пул билан қoplanadi. 2019/2020 ўқув йилида бу жуда ғовлаб кетган «институт», яъни маблаг бўлса, жуда паст, заиф кўрсаткич билан ҳам талаба бўлиш имконияти ярилди. Аммо бу ташаббус манфаатдорликка йўл очиб берадиган давлат ўқув интизомини четлаб ўтиш сўмоқларидан бири. Чунки ўқитувчиларнинг юктамалари тасдиқланиб, бир ўқув семестрининг баъзан ярми ёки кўп қисми ўтган бўлса-да, «оширилган тўлов» ғилдираги айланаверади.

Иккинчидан, унинг молиявий томони ҳам бўлганлиги учун амалда ягона тартиб-қоида асосида ўтиш баллидан 4-5 баллгача паст балл тўлаганлар орасида ҳал этилиб, унинг ягона қоидаси четлаб ўтилмасдан, бу ҳақдаги буйруқлар ҳам ойлаб чўзилмасдан, 1 сентябрдан кеч бўлмаган муддатларда, ОТМнинг имконияти,

режаси доирасида ҳал этилса, 56,7 фоиз ундан пастки, юқориси дейилганлардан воз кечилса, ўйлаймизки, бундан давлат ҳам, ўқишга кирувчилар ҳам фойда кўриши, ўқув жараёни анча тартибга тушиши мумкин. Ҳозирда бунга шароит бор, тест натижалари ўқиш бошланишидан анча олдин эълон қилинмоқда.

Учинчидан, «оширилган тўлов» қонун, Президентимизнинг фармони ёки Вазирлар Маҳкамасининг низоми билан бу борадаги ҳар бир ҳаракат қатъий, норматив тартибга солиниши ҳамда тез-тез ўзгармаслиги лозим. Ҳозирда амалда бўлган ОТМларга қўшимча қабул ҳақидаги низомининг 4-ило-васига кўра, бу борадаги ариза давлат комиссиясига 15 октябрдан топирилиши, 20 октябрдан қарор чиқарилиши керак. Лекин бу жараён декабрь ойининг яримларигача ҳам давом этаверади. ОТМ тизимидо идо-равий қонуности ҳужжатларни қисқартириш, такомиллаштириш керак. Бу эса ўқув инти-зомни бузилиши ҳолатларининг камийишига олиб келади. Ўқишга ҳужжатларни қабул қилиш жараёнидаёқ «оширилган тўлов» тартиби, муддатлари, шартлари эълон қилиб қўйилса, шу йўлни танлашни хоҳлаганлар аввалдан тайёргарлик кўради.

Тўртинчидан, ушбу амалиётда ўқув-ус-лубий ҳамда тарбиявий муаммолар ҳам бор. Ўқитувчи учун ноқулайроқ вазият, у ҳар сафар дарсга кирганда, янги талаба ўти-рганлини кўради. У машғулотлар мазмунини тушунмай, дарсга бефарқ ўтиради. Чунки бу вақтда, баъзи дарсларнинг яrimi ўтган, ҳатто тамом бўлган бўлади. Талаба 800-1000 соатта яқин дарс қолдирган бўлади. Агарда 70 соат дарс қолдирганлар, тала-балар сафидан чиқарилса, курсда қолди-рилса, қондаги кўра, зиддиятли бу ҳолатни қандай тушуниш керак?

Бешинчидан, «оширилган тўлов» асосида ўқишга кирганларга қолдирил-ган дарслар учун қўшимча дарс соатлари ҳам ажратилмайдими, дарс ҳам ўтилмайдими. Шунинг учун уларни қабул қилиш умумий асосларда ўқув йили бошланишидан ол-дин бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Олтинчидан, жуда паст натижаларни кўрсатиб, 2, 3 ойлардан кейин ўқишга қат-наша бошлаган талаба курсни ўзлашти-ра олмайдими. Масалан, талаба Н. (2018 йил)

Хуллас, агар «оширилган контракт» маъқул йўللardan бири деб ҳисобланса, уни ҳозирги кўринишда эмас, келтирилган ҳолатлар такомиллаштирилган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

9 декабрь куни маъруза дарслари якунлангач, дарсга қўйилди.

Баъзан босимни сезган ўқитувчи жа-вобларни кўчиртириб қутулади ёки туҳ-матлар остида қолади. Ўқитувчига қора чапланиб, «менга қасд қиляпти», «адо-вати бор», «хўқўқимни бузмоқда» деб, «ҳомий» раҳбарлигида турли даражадаги идораларга аризалар билан мурожаат қилади. Маъмуриятга эса худди ана шу керак. Дарҳол мутахассис бўлмаганлар-дан комиссия тузилади, телефон ёки дарсликдан кўчиртирилади ёки вариант уйига бериб юборилади. Агар комиссия таркибидаги ўқитувчилар ҳам тўғри йўл тутсалар, ушбу ўқув курсини тугатиб юборишда ёки мансабдор ўзи ўқимаган курсдан ўша баҳони қўйиб ҳам юборади.

Қизиги шундаки, бу ҳаракатлар ОТМ-даги мавжуд қондалар асосида эмас: «та-лаба шикоят қилди», «адолатни тиклаш» ниқоби остида боради ва уни ҳеч ким, ҳеч бир назорат идораси текшириб кўрмайди ҳам, очмайди ҳам.

Еттинчидан, бундай «меҳрибонлик-лар»дан баҳра олган «талаба» баъзан 3,5 йилда, баъзан 3 йилда, баъзан 2 йилда ҳам ҳомийлик остида диплом олиб, олий маълумотлилар сафига қўшилади.

Юқоридоғилардан хулоса шуки, олий таълим олиш ҳамда олий маълумотли-ларнинг сонини шу йўллар билан оши-ришда дипломлилар кўпайса-да, қасб асосларини ўрганганлар кўпаймайдими. Фикримизча, улар худди «тўп қулфига тушмаган ўқ-снарядга» ўхшайдилар. Бу ЮНЕСКО башоратидаги йўл эмас, балки ҳозирги кўринишдаги коррупция эҳтимоли йўлларида бири. Баъзи мансабдорлар учун эса «бизнес майдончаси» бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин.

Машхур университетлардан бирининг пештоқиға: «Ҳар қандай миллатни йўқ қи-лиш учун атом бомбаси ёки узоқ радиусга таъсир қиладиган ракетага ҳожат йўқ. Фақат таълим сифати пастайтирилса ва имтиҳонларда талабаларга алдаш учун имконият яратилса бас. Бундай врачлар қўлига тушган беморлар ўла бошлайди. Бундай курувчилар курган биналар ку-лайди. Бундай иқтисодчилар ва ҳисоб-чилар қўлидаги пуллар изсиз йўқолади. Бундай уламолар туфайли инсонларда маънавият йўқолади. Бундай юристлар ва судьялар қўлида адолат йўқлик сари юз тутади. Қонун чиқарувчилар қўлида бошқарув йўқ бўлади», деб ёзилган.

Зиёдулла МУҚИМОВ, СамДУ профессори.

Сиз кўриб турган ушбу сурат ўтган асрнинг саксонинчи йилларида олинган. Унда «Ленин йўли» (ҳозирги «Зарафшон») газетаси ходимлари — (чап-дан) Аҳрор Жўраев, Адхам Хайитов ва Ибодулла Ўлмасовлар акс эттирилган. Ўша даврда ҳам худди бугунгидек газетанинг қай-ноқ ҳаёти, жамоада ижодий муҳит хусусида тез-тез баҳс, мунозара-лар бўлиб турарди. Учовлон ана шу мавзуда суҳбатлашмоқда.



Бир сурат тарихи

Бугун таҳририятнинг фаол иштирокчиларидан бири, соҳир қалам соҳиби, журналист Аҳрор Жўраевни хотирлаб бир калом айтишни жоиз деб билдик.

Аҳрор Жўраев Тойлоқ фарзанди. У ўтган асрнинг 80-йилларида таҳририятга ишга келган. Ўн беш йилга яқин аввал маданият, кейинчалик партия турмуши, хат-лар бўлимини бошқарган. Аҳмаджон Мухторов, Манноп Нажмиддинов, Матлаб Эрмухаммедова, Аҳмад Нарзикулов, Сурыат Орипов сингари етук журналистлар билан ёнма-ён фаолият кўрсатган. Ўша йилларда унинг имзоси билан чиққан долзарб мавзудаги юзлаб таҳлилий

мақола, фельетон ва хабарлар ҳали ҳануз муштарийлар ёдида.

Аҳрор Жўраев кейинчалик Ўзбекистон Ветеринария илмий-тадқиқот институтида ахборотчи, катта мутахассис сифатида фаолиятини давом эттирган бўлса-да, таҳри-риятга тез-тез келиб ўз маслаҳатларини бериб турди, мушоҳадали мақолалар ёзди.

Бадий ижод билан шугулланиб, қатор китоблар ёз-ган ҳамкасбимиз бугун орамида бўлмаса-да, унинг руҳи ҳамша биз билан.

А.ИСКАНДАРОВ.

Ўқитувчиларнинг хабар беришича...

Самарқанд шаҳар 21-умумий ўрта таълим мактабида 9-синф ўқувчилари ва уларнинг ота-оналаридан ҳулоса шуки, математика, табиий фан-лар бўйича саводхонлик ҳамда билимларни амалиётда қўллаш қобили-ятини баҳоловчи PISA дастури, бунда ўқитув-чилар билан ота-оналар-нинг ўзаро ҳамкорлиги борасида ийгилиш бўлиб ўтди.

Сурайё ҚУРБОНОВА, ўқитувчи.

Жомбой туманидаги 18 ва 37-умумий ўрта таълим мактабларида математика фани ойлиги доираси-да 9-11 синф ўқувчилари ўртасида «Интеллектуал ринг», «Заковот» ўйинлари ҳамда очик дарслар бўлиб ўтди.

Унда ўқувчилар са-вол-жавоблар, мантиқий масалалар, деворий газе-талар ҳамда кўргазмали қуроллар танлови орқали сараланди.

Хулкар ФУЗАЙЛОВА, Муҳайё МАМАТМУРДОВА,

Мулоҳаза учун мавзу

Бола азиз, одоби ундан азиз, дейди халқимиз. Дарҳақиқат, фарзанднинг келажакда қандай хулқ-атворга эга бўлиб во-яга етиши оиладаги муҳит ва унга ота-онанинг муносибати-га боғлиқ. Биз кўпича фарзандимизга «Ҳали бола-ку, кўп нар-сага фаҳми етмайди» деб қараймиз. Унинг олдида бўлар-бўлмас гапларни бемалол гапираверамиз. Ёки эр-хотин даҳанаки жангига бола гувоҳ бўлаётганини хаёлимизга келтирмаймиз. Ваҳоланки, эсини таниган гўдак зийрак, эшитган, кўрганларини хотирасида сақлаб қолади.

Фарзанднингиз билан суҳбатлашасизми?

Фарзанднинг одоби, мўмин қобил бў-либ вояга етиши ота-онанинг у билан бо-лалигидан ҳушмуомалалик билан ўзларига тенг кўриб суҳбатлашиб туришига боғлиқ. Бола атроф-муҳитда бўлаётган ҳодисалар-га қизиқувчан бўлади. Улар ҳақида батаф-сил билгиси келади. Унинг саволларига тўғри ва мулойимлик билан жавоб бериш лозим. «Катта бўлганда билиб олсан» ёки «билганингда олим бўлармидинг» деб жер-киб ташланса боланинг ота-онага ишончи сўнади. Улар билан суҳбатлашишдан қо-қиди, одамови бўлиб ўсади. Ота-ондан меҳри совийди. Кечинмаларини яширади. Ёлғон гапиришга ўрнади.

Фарзанд балоғат ёшига етганда, ай-ниқса, у билан ҳушмуомалалик билан суҳбатлашиб жуда муҳим. Негаки, унинг руҳиятида жиддий ўзгаришлар содир бўла-ди. Ширин орзу-хаёлларга берилади. Қан-дайдир қасб эгаси бўлишни истаиди ёки кимнидир севиб қолади. Бундай пайтда у қалбида кенаётган ёшлик тугёнларини ким биландир баҳам кўргиси, маслаҳат олгиси келади. Ота-она фарзанд ўғилми, қизми яқин суҳбатдош бўлиши керак. Уни эшити-ши, шахсига тегмай йўл-йўрик кўрсатиши, маслаҳат бериши лозим. Акс ҳолда у ўзига ҳамдардан кўчадан, журналар ёки дугонала-ридан излайди. Улар эса ҳамisha ҳам тўғри маслаҳат бераверинмайди.

...Нуриддин нуфузли ташкилотда ишларди. Оилада икки ўғил ҳеч нарсага зорикмасдан улғайди. Бироқ кўчадан бери келишмас эди. Улардан бири жиноят қилиб, қора курсига ўтирганида Нуриддиннинг кў-зига дунё қоронғу бўлиб кетди. Кейин ўйлаб қараса, рўзгорда ҳамма нарса етарлиқ, деб хотиржам юраверган экан. Бирор марта ўғиллари билан суҳбатлашиб, кўнгилла-рида қандай орзу-хаваслари борлигига қи-зиқиб кўрмаган экан. Уларга меҳр бериб, сирдош-суҳбатдош ҳам бўлиш лозим экан. Институтда ўқиб юрганимизда Раҳ-матжон деган курсдошимизнинг уйига меҳмон бўлиб бордик. У жуда одоби, ширинсўз, камтар, курсдошларига меҳри-бон, зарур бўлганда кўмаклашар эди. Шу хислатлари учун уни домлалар ҳам яхши кўришарди, катта-кичик тадбирларга уни бош-қош қилиб қўйишарди. Ҳаммамиз унга ҳавас қилар, унга ўхшашга инти-

лардик. Бунинг сирини нимадалигини уй-ига борганда билдик. Отаси Маҳмуд ака ёши олтимидан ошган бўлса-да, анча ёш кўринар, юз-қўзларидан самимиёт ёғилиб турарди. У Раҳматжонга сизлаб, худди тенгдошига муомала қилгандай мурожаат қилди. Белидан маҳкам кучиб, меҳр бил-лан «қалайси ўғлим» деб даст кўтариб қўйди. Кейин билсак, Маҳмуд ака бошқа фарзандларига ҳам шундай, уларни ўзига тенг кўриб муомала қилар экан.

— Отам билан тенгдошдай бўлиб ўсган-миз, — деди Раҳматжон. — Ота-бола экан-лигимизни билмаганлар булар қадрдон ака-ука деб ўйлашади. Болалигимиздан шундай тарбияланганимиз. Отам ҳам, онам ҳам ҳеч қачон ортиқча эрқалатишмаган, лекин овозларини кўтариб қаттиқ ҳам га-пиришмаган. Эсимда, ҳали мактабга би-ринчи синфга борганимиздаёқ, отам билан кечалари алламаҳалга тенгқулардай суҳбатлашиб ётардик. Эртак айтиб берар, ўқишимни сўраб суриштирарди. Хуллас, ота-бола эмас, қадрдон, сирдош дўст бўлиб қолганмиз.

«Олмани тағига олма тушади», «нима эксанг, шуни ўрасан» деган нақллар бор. Ота-оналар унутмаслиги керак. Фарзанд фақат зуриёт эмас. Уларнинг фаҳри-гу-рури. Яхши тарбия беришса раҳмат, ёмон тарбия беришса лаънат олиб келади. Фар-занднинг ёшидан қатъи назар, у билан тенг бўлиб, дўст бўлиб, дугона бўлиб суҳбат-лашиб туриш лозим. Фарзанд ота-онани ўзининг азиз кишилари, пушти паноҳи, ҳамдарди, ҳамфиқри, орзу истақларини рўёбга қирувчилар деб билади.

Айрим ота-оналар фарзандлар билан нимани ҳам суҳбатлашардик, деб ўйла-шади. Энг яхши суҳбат кечқурунлари би-раликда китоб ўқиш. Мутолаа орқали нима яхшию, нима ёмонлигини тез билиб олиш мумкин. Суҳбат албатта фарзандлар ўқиши, юриш-туриши, ахлоқ-одоби билан боғлиқ бўлиши керак. Улар олдида ота ёки она ишдаги ғийбатлар, ҳамкасбларнинг нуқсон-лари, айбларини муҳокама қилмасликларни керак.

Фарзанд тарбиясида ота-она ибрат бўлиши керак. Улар бир-бирини ҳурмат қилишса, болалар ҳам ўрнақ олади.

Тоғаймурод ШОМУРДОВ.

Кимнинг мақоласи яхши?

Таҳририятимиз февраль ойида муштарийлардан 125 та хат олди. Мақтублар-нинг 118 таси газета саҳифала-рида чоп этилди.

Февраль ойида Ху-дойберди Комилов «Ойнинг энг фаол жа-моатчи муҳбири».



Фаррух Мажи-довнинг «Қачон «қаттиқ» қонунли давлат бўламиз?» сарлавҳали мақоласи «Ойнинг энг яхши мақоласи» деб топилди.

Қачон «қаттиқ» қонунли давлат бўламиз? Қачон «қаттиқ» қонунли давлат бўламиз? Қачон «қаттиқ» қонунли давлат бўламиз?

Яна баҳор келди

Кушлар қўшиғи авжيدا. Шо-дон чуғурлашаватган еру осмон малаклари, балки киш захри-дан, қахратон қаҳридан омон қолганлари учун яратганга шук-ронасини изҳор этаётгандир. Кечагина ола чалпоқ қор остида тўнгил ётган тупроққа жон битди. Бир кечадаёқ кўз-ларни яшнатиб яшил либос кийди. Шамоллар эса завқдан хўштак чалиб юборди.

Қизалоқлар Наврўз бай-рамига атласу адрасдан қўй-лак тиктириш ҳавасида чопиб қолишди. Йигитчалар белла-шишни бошлаб юборишди. Баҳорнинг илк неъматлари исмалоғу ялпизлардан тайёр-

Наврўз нафаси

қизчалар «бештош», «ҳаққала-кам» ўйнаган, болалар чиллак отган. Қизу жуво, келинчалар доира чертиб, чанқовуз чалган.

Баҳор келиб, тоқлар тани-га ҳам сув югурди. Ток зангидо кўрталар жилмайди. Шўжхан новдаларнинг сал таноби тортилиб қайчиланганда кўз ёшдай тиник, нордон томчилар томчилади. Қарангки, бу томчи соч ўстирар экан. Косалар тўл-дирилиб қилар, келинлар соч ювишди.

Давр янгиланади, замон янгиланади, одамлар ўзгара-ди, лекин халқ удумлари, анъ-аналари ўзгармайди. Асрдан асрга, авлоддан авлодга ўтиб, бойиб, такомиллашиб бора-веради. Наврўз халқимизнинг ана шундай қайта қадр топган миллий байрамидир.

Абдуазиз ҲОШИМОВ.

Zarafshon Samarqandskiy Vestnik logo and contact information.

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ. Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган.

КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53. БУЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61. РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.

Навбатчи муҳаррир: Т.ШОМУРДОВ. Навбатчи: Г.МҲИМОНОВА. Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ. ISSN-201667X